

UDK: 599.322/.32

**“УГАМ-ЧОТҚОЛ ДАВЛАТ БИОСФЕРА РЕЗЕРВАНТИ” ХУДУДИДА
ТАРҚАЛГАН ОВ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАЙВОНЛАРИ
СОНИНИ САНАҚДАН ЎТҚАЗИШ**

Болтабаев Адамбой Садуллаевич

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, доцент в.б.

E-mail: adambaybaltabaev@gmail.com.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, бакалаври

Ражабова Наргиза Рашид қизи

E-mail: наргизаражабова006@gmail.com.

Аннотация. “Угам-Чотқол давлат биосфера резерванти” худудида тарқалган ов аҳамиятига эга бўлган ҳайвонлари сонини санақдан ўтқазилди. Шунга кўра олиб борилган илмий ишларнинг тахлили шуни кўрсатдики, судралиб юривчиларнинг 2 тури, кушларнинг 27 тури ва сутэмузувчиларнинг 9 тури аниқланди. Кўчиб ўтувчи ва қишлайдиган кушларнинг сони ва турлар таркиби ов мавсумида кўчиш интенсивлиги, қиш фаслидаги иқлим шароити, шимолий популяцияларида уя қуриш жойларидаги муффақиятли кўпайиш, антропоген безовталиқ ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши ҳақида маълумотлар берилди. Қилинган илмий ишлар натижалари тахлил қилинди ва жадвалларда ўз исботини топди.

Калит сўзлар: тур, куш, уя, ов, резервант, иқлим, фауна, антропоген, омил, миграция, шароит, жой.

Аннотация. Подсчитано количество животных охотничьего значения, распрост раненных на территории ”Угам-Чоткальского государственного биосферного заповодника”. Соответственно, анализ проведенных научных работ показал, что выявлено 2 вида рептилий, 27 видов птиц и 9 видов млекопитающих. Численность и видовой состав перелетных и зимующих птиц, интенсивность миграции в охотничий сезон, зимние фауны. Приведены сведения об изменениях в зависимости от климатических условий в зимний период, успешного размножения северных популяция и многих других факторов. Результаты научной работы проанализированы и обоснованы а таблицах.

Ключевые слова: вид, птица, гнездо, дичь, заповедник, климат, фауна, антропоген, фактор, миграция, условия, место.

Abstract. The number of animals of hunting significance, common in the territory of the ”Ufam-Chotkal State Biosphere Reserve” was calculated. Accordingly, the analysis of the conducted calculated. Accordingly, the analysis of the conducted scientific works showed that 2 species reptiles, 27 species of birds 9 species of mammals

were identified. The number and species composition of migration during the hunting season, winter fauna information is given on changes depending on climatic conditions in winter, successful reproduction of northern populations and many of northern populations and other factors. The results of scientific work are analyzed and substantiated in tables.

Key words: species, bird, nest, game, reserve, climate, fauna, anthropogenic, factor, migration, conditions, place.

Кириш. Ўзбекистон фаунасида ов аҳамитига эга қушларнинг 45 тури, сутэмизувчиларнинг 17 тури тижорат аҳамиятига эга бўлган 13 тури Ўзбекистон Республикаси Экологияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан белгилаб берилган. Бу турлар овчилик ва тижорат турлари кадастрига иккита асосий мезон бўйича киритилган. Ўзбекистонда уларнинг сони етарли ва маълум истемол қийматига эга. "Ов қушлари" маззали гўшти бўлган қуш ҳисобланади, шунинг учун бу қушлар кўп овланади. Сутэмизувчилардан тулки - овнинг энг кенг тарқалган объекти. Аммо қушларнинг кўплаб турлари овланади. Бунинг сабаби шундаки, қушлар сутэмизувчиларга қараганда кўпроқ бўлиб, улар деярли барча биотопларда учрайди. Уларни овлаш одатда унчалик қийин эмас ва овчиларнинг барча тойифалари учун очикдир. Овланадиган турлар фаунаси ёвойи табиатнинг қайта тикланадиган ресурсларидан бири бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш билан ҳар йили турнинг популяциясига зарар етказадиган индивидларнинг маълум бир қисмини ов қилиш мумкин.

Овчилик хўжалиги ҳудудларида турларнинг санокдан тезкор ўтқозишда қуйидаги келтирилган 5 йўналишни қамраб олган Зоо-экология мониторинг усулларидан фойдаланилди. 1. Камерали тузоқлар. 2. GPS ва радиойўлакчалар ёрдамида кузатиш. 3. Электрон-Демографик Моделлаштириш.

GPS ва радио йўлакчалар ёрдамида кузатиш. Ҳайвонларга GPS ёки радио йўлакчалар ўрнатилиб, уларнинг ҳаракатланиш йўналиши, яшаш майдони ва миграция йўллари аниқ кузатиб борилди. Бу усул йирик ёвойи ҳайвонлар масалан, бўрилар, кийиклар ёки йиртқич қушларни кузатиш учун қўлланилди. GPS томонидан ҳар бир индивиднинг ҳаракатланиш ҳақидаги батафсил маълумот олинди, бу эса ҳайвонларнинг озиқ-овқат ресурсларига боғлиқ эканлигини ва яшаш жойларига бўлган эҳтиёжларини тушинишга ёрдам берди.

Электрон-Демографик Моделлаштириш усули. Ушбу усул ёвойи ҳайвонларнинг популяция динамикасини тушиниш учун статистик ва демографик маълумотларга асосланади. Моделлаштириш усули тур сонининг ўзгариши, биологик омиллари, озиқ-овқат захиралари ва яшаш жойининг

шароитига асосланган прогнозларни имкон берди. Ҳайвонларнинг келгусидаги сонини ёки яшаш шароитларига мослашувчанлигини башарот қилиш учун маълумот тўплашга хизмат қилди.

Олинган маълумот тахлили. Excel Ms дастурида камералар жойлашуви Акустик мониторинг GPS ёки радио йўлак ва Электрон-Демографик Моделлаштириш усулиорқали олинган маълумотлардан FMP методи асосида формулалар кетма-кетлигида алгаритм киритилиб чиқилди. Алгоритмлар олинган маълумотларни тахлил қилинишида катта ёрдам берди. Маълумотлар тезкор ва аниқ қилинди бу эса мониторинг жараёнини самарали қилди. Қисқа трансетив маршрутларда асосан бир ҳайвон тури индивидлари зичлигини аниқлашда қуйидаги FMP (Фўрмўзов-Малишев-Пекулшин) формуласидан фойдаланилди. Duoki D 1,575. D-ҳайвонлар популяциясининг зичлиги, S-гектар майдонини қоплаб олган бўлиб, шундан 1154 га ўзига бириктирилган “Угам-чатқол Буйртма қўриқхонаси” УК ҳудудида ва 215 га Ўзбекистон Республикаси давлат жамғармасининг бўш ерларида жойлашган. Республикада ҳайвонларнинг ов турларини аниқлаш учун тур рўйхатини тузишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларида (2021-йил) келтирилган рўйхат асос қилиб олинди.

Географик жойлашуви ва табиати. Угам-Чатқол резервати Угам ва Чотқол тоғ тизимлари бўйлаб жойлашган бўлиб, умумий майдони 42900 га ортиқ. Бу тўғли ҳудуд денгиз сатхидан 1000 метрдан то 3500 метргача баландликда жойлашган бўлиб, унинг иқлими ва табиат манзараси баландликга қараб ўзгариб боради. Резервантнинг асосий қисмини тоғ тизимлари, дарёлар ва водийлар ташкил этади. Резервант ҳудудидаги Угам, Чатқол ва Пскент дарёлари ўзининг сув ресурслари билан машҳур, улар Ўзбекистоннинг бир неча ҳудудларини сув билан таъминлайди ва Чорвақ сув омборини ҳам тўлдирди. Баланд тоғлар ва ўрмонлар резервантнинг кўплаб қисмини ўрмонзор ва яйёловлардан иборат бўлиб, ёз фаслида ям-яшил ўрмонлар, баҳор фаслида эса қизил ва сариқ рангли лола гуллари ва турли хил ўт-ўлонлар билан безатилади. Бундай табиий манзаралар нафақат эстетик қийматга эга, балки уларнинг экологик роли ҳам катта. Илмий тадқиқотлар “Угам-Чатқол Буйртма қўриқхонаси” Унитар қархонасининг Шоввозсой, Човлисой ва Кумушқонсой ҳудудларида олиб борилди. Бошқизилсой ҳудуди Юнеско тасаруфида бўлганлиги сабабли овга руҳсат берилмайди.

1-жадвал. Буйртма кўриқхонаси худудларида ҳамда унга ёндош худудларда учровчи ноёб ва камайиб бораётган хайвон турлари.

| № | Идентификацияси ва рақами | Илмий номи | Русча номи | Ўзбекча номи |
|----|---------------------------|---|-----------------------------------|---------------------|
| | | Судралиб юривчилар | | |
| 1 | 0033080311 | <i>Eryx tataricus ssp.tataricus.ssp.speciosus</i> | Восточный удачник | Шарқ бўғма илони |
| 2 | 033110371 | <i>Vipera (Pelias) renardi ssp.tienshanca</i> | Восточная степная гадюка | Дашт қора илони |
| | | Кушлар | | |
| 3 | 0022050441 | <i>Ciconia nigra</i> | Черный аист | Қора лайлак |
| 4 | 0022080491 | <i>Anser erythropus</i> | Пискулька | Қорағоз |
| 5 | 0022100581 | <i>Hieraaetus pennatus ssp.milvoides</i> | Орёл-карлик | Кичик бургут |
| 6 | 0022100591 | <i>Hieraaetus fasciatus spp.fasciatus</i> | Ястребиный орёл | Қирғий бургут |
| 7 | 0022100611 | <i>Aquila clanga</i> | Большой подарник | Катта бургут |
| 8 | 0022100621 | <i>Aquila chrysaetos ssp.fulv /ssp.darhanea</i> | Бергут | Биргут |
| 9 | 002100621 | <i>Aquila heliaca ssp. heliaca</i> | Могильщик | Қиронқора |
| 10 | 0022100641 | <i>Haliaeetus leucoryphus</i> | Орлан-долгохвост | Узундум бургут |
| 11 | 0022100651 | <i>Haliaeetus albicilla ssp. albicilla</i> | Орлан-Белохвост | Оқ думли сув бургут |
| 12 | 0022100671 | <i>Neophron percipiter ssp. percipiter</i> | Стевятник | Жорчи |
| 13 | 0022100681 | <i>Aegyptus monachus</i> | Черный гриф | Тасқара |
| 14 | 0022100691 | <i>Gyps fulvus ssp. fulvus</i> | Белоголовый сип | Оқбош ғумой |
| 15 | 0022100701 | <i>Gyps himalayensis</i> | Кумой | Кумой |
| 16 | 0022110711 | <i>Falco cherrug ssp.coatsi/</i> | Балобан | Итолғил |
| 17 | 0022110721 | <i>Falco peregrinoides ssp.babyylonicus</i> | Шахин | Маллабош лочин |
| 18 | 0022110731 | <i>Falco peregrinuss ssp. Callidus / ssp</i> | Сокол-сапсан | Лочин |
| 19 | 0022110741 | <i>Falco naumanni</i> | Степная пустельга | Киука |
| 20 | 0022130761 | <i>Grus leucogeranus</i> | Стерх (Белый журавль) | Оқ турна |
| 21 | 0022150781 | <i>Tetrax tetrax</i> | Стрепет | Бузғалдоқ |
| 22 | 0022210821 | <i>Numenius arguata</i> | Большой кроншнеп | Катта узун бурун |
| 23 | 0022210831 | <i>Limosa limosa</i> | Большой веретенник | Катта веретенник |
| 24 | 0022210841 | <i>Limnodromus semipalmatus</i> | Азиатский бекасовидный веретенник | Осиё моки лойхураги |
| 25 | 0022170851 | <i>Glareola nordmanni</i> | Степная тиркушка | Чўл жикдоғи |

| | | | | |
|-----------------------|------------|------------------------------------|---------------------------|--------------------------|
| 26 | 0022220861 | Larus ichthyaetus | Черноголовый хохотун | Қорабош балиқчи |
| 27 | 0022250891 | Columba eversmanni | Бурый голубь | Қора қаптар |
| 28 | 0022250891 | Streptopelia turtur | Обыкновенная горлица | Ғуррак |
| Сутемизувчилар | | | | |
| 29 | 0011030911 | Rhinolophus hipposideros ssp.midas | Малый подковонос | Кичик тақабурун |
| 30 | 0011050921 | Tadarida teniotis | Широкоухий складчатогуб | Кенг кулокли қат-қат лаб |
| 31 | 0011070941 | Marmota menzbieri ssp.zachidovi | Сурок Мензбира | Кўк суғур |
| 32 | 0011150981 | Ursus arctos ssp.isabellinus | Тяньшанский бурый медведь | Тяньшан кўнғир айиғи |
| 33 | 0011160991 | Mustela eversmannii | Степной хор | Сарик сассикқўзан |
| 34 | 0011161001 | Vormela peregusna | Перевязка | Олақозан |
| 35 | 0011181051 | Lynx lynx ssp.isabellinus | Туркестанский рысь | Туркистон суловсили |
| 36 | 0011181081 | Panthera uncia | Снежный барс (ирбис) | Илвирс (Тоғ қоплони) |
| 37 | 0011211131 | Ovis ammon ssp.karelini | Тянь-Шанский Горный баран | Тяньшан тоғ қўйи |

1-жадвалда кўришимиз мумкинки, “Угам-Чотқол давлат биосфера резерванги” хуудларида тоғ тизимлари ҳамда унга ёндош хуудларда учровчи ноёб ва камайиб бораётган турлар аниқланди. Судралиб юривчиларнинг 2 тури, қушларнинг 26 тури, сутэмизувчиларнинг 9 тури аниқланди.

2-жадвал. Буйртма кўрикхонаси хуудларида ҳамда унга ёндош хуудларда учровчи ноёб ва камайиб бораётган турларининг учраш миқдори

| № | Турлар номи | Турлар сони | % |
|-------|--------------------|-------------|------|
| 1 | Судралиб юривчилар | 2 | 5,4 |
| 2 | Қушлар | 26 | 70,2 |
| 3 | Сутэмизувчилар | 9 | 24,3 |
| Жами: | | 37 | |

2-жадвал. Буйртма кўрикхонаси хуудларида ҳамда унга ёндош хуудларда учровчи ноёб ва камайиб бораётган ҳайвон турлари аниқланиши натижасида қўйидаги маълумотлар олинди. Судралиб юривчиларнинг 2 тури, 5,4 %, қушларнинг 26 тури, 70,2 %, сутэмизувчиларнинг 9 тури 24,3 % эканлиги аниқланди.

Хулоса ва тавсиялар

Мавсум олди ҳисоб-китоблар овчилик майдонларининг умумий ҳолатини қониқарли эканлигини кўрсатди. Умумий ҳисобда илмий кузатишлар давомида 12100 гектар майдон қамраб олинди. Шундан 8400 гектари “Угам-Чотқол Буюртма Қўриқхонаси” Унитар майдонлари ҳудудларига тўғри келди. Кўчиб ўтувчи ва қишлайдиган қушларнинг сони ва турлар таркиби ов мавсумида кўчиш интенсивлиги, қиш фаслидаги иқлим шароити, шимолий популяцияларида уя қуриш жойларидаги муффақиятли кўпайиш, антропоген безовталиқ ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши аниқланди. Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг ов ресурсларига кучли антропоген омилларнинг таъсири кучаймоқда, ов майдонлари қишлоқ хўжалиги ерлари сифатида ўзлаштирилмоқда, бу эса ов ҳайвонларининг сонига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли, ушбу ҳудудда уя қураётган қушларнинг биологиясини инобатга олиб, қишлоқ хўжалиқ ишларини олиб бориш ишларини тавсия қиламиз: тоғли ҳудудларда уй ҳайвонларини яйловга чиқаришни қирғовулларнинг жўжалари чиқиб бўлгандан кейин, тахминан 15-майдан кейин руҳсат этиш; фазан жўжалари чиққандан кейин ўт ва самон йиғиб олиш; шунингдек далалар чеккаларида тўғай ўсимликларидан кичик майдонларни қолдириш. Ҳимоя уй қуриш ва озиқ-овқат шароитларини яхшилаш ҳайвонлар сонини оширишга ёрдам беради. Бу ов майдонлари, фермер хўжалиги ёки бошқа хўжалиқ эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ерларни тарқ этиб, фойдали ҳайвон ва қушларнинг миграциясини олдини олади. Бунда ёввойи чўчка, қуён, бўри, қирғовул ва сув қушлари браканерлар ёки тартибни бузган овчилар томонидан йўқ қилиниши эҳтимолдан холи эмас. Озиқлантириш оғир шароитларида жониворларни ўлимдан сақлаб қолади ва уларнинг кўпайишини рағбатлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Anderson, W.L., & Wooley, C.J. (2015). Wildlife Conservation and Management. CRC Press.
2. Lohn, A., & Reeve, K. (2017). Biodiversity and Hunting Practices. Springer.
3. Dunham, K.M. (2021). Human-Wildlife Conflicts in Central Asia. Cambridge University Press.
4. Peterson, R., O., & Bruggink, J.C. (2019). Technical Measures for Wildlife Management. Wiley.
5. Hudson, P Rizzoli, A., Gorenfell, B., Heesterbeek, H., & Dobson, A. (2016). The Ecology of Wildlife Diseases. Oxford University Press.
6. Tikanmaki, M. (2020). Modern Approaches in Game Management and Habitat Preservation. Elsevier.